Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг катта вице-президенти ҳамда бош иқтисодчиси Жозеф Стиглиц раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ж.Стиглицни фақатгина мазкур банкнинг раҳбарларидан бири эмас, балки янги мустақил давлатлар иқтисодиёти бўйича ўзининг муайян фикри ва қарашларига эга олим сифатида ҳам яхши билишини таъкидлади.

— Илмий-таҳлилий мақолаларингиз, бошқа чиқишларингиздан хабардорман, — деди Президент Ислом Каримов учрашувда. — Айтишим керакки, сиз ҳар бир нарсани ўз номи билан айтадиган шахслардансиз.Бу тоифа кишилар озчиликдир.

Яқинда Жаҳон банкининг Парижда бўлган йиллик конференциясида Ж.Стиглиц Шарқий Европа ва собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнини баҳолар экан, умумий аҳвол анча ноҳуш эканини таъкидлаган эди.Унинг сўзларига қараганда, айрим Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодни эркинлаштириш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари номутаносибдир. Эркинлаштиришнинг юқори суръатда кечадиган усулини танлаган давлатларда бугун ўсиш паст.Аксинча, ислоҳотларни ўтказишда сусткашликка йўл қўймоқда, дея таъкид қилинган Ўзбекистон ёки Словения каби давлатларнинг эришаётган кўрсаткичлари эса эътиборга лойиқдир.

Бундай очиқ ва холис ёндашув Ж.Стиглицга хос хусусиятдир. Меҳмон самимий сўзлар ва қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов иштирок этди.

Қабулда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Д. Пирс ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 1 июль, пайшанба • № 76 (24.471).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга 30 июнь куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Ингем ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари бу ишга ҳисса қўшишда элчига муваффақият тилади.

***

Шу куни давлатимиз раҳбарига Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Холид Амир Хон ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг бугунги аҳволи, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Холид Амир Хон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ишида ўз куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Шу куни Ислом Каримов Австралиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рут Лоррейн Пиарсдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Гарчанд мамлакатларимиз жўғрофий жиҳатдан бир-биридан жуда олисда жойлашган бўлсада, бизни ўзаро боғлаб турадиган омиллар талайгина. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мамлакатларимизга бирдек фойдали бўлар эди, деди жумладан давлатимиз раҳбари.

Пиарс хоним самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди. У ўз элчилик фаолияти давомида мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга ҳаракат қилажагини айтди.

***

Мамлакатимиз Президентига 30 июнь куни Мўғулистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Булгаагийн Алтангэрэл ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги тарихий алоқалар бугунги кунда янгича мазмунларда шаклланиб ва ривожланиб бораётир. Мулоқот чоғида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни тобора равнақ топтириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Мўғулистон элчиси Булгаагийн Алтангэрэлнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолиятига муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

Дунё турғунча турар ўзбек деган ном

Ёруғ хонадонда, файзли оилада доимо бир гап такрорланади:ўғлимиз қаерда, қизимиз қани? Нима қилиб юришибди? Нега кеч келишади? Бу яхши. Фарзанд учун хавотир олиш гўзал. Ўзини билган одам ўғил-қизининг ҳаётига, нима билан шуғулланаётганига бефарқ бўлолмайди. Ота-онанинг қанотида, бағрида, кузатувида бўлган болалар йўлдан чиқмайди.

Фарзандига гапини олдирмаган Инсон ўғил-қиз қилмишидан ер чизмайди. Улар ота-онангга ланъат бўлсин, сени тарбия қилгандан кўра... деган қарғишни ҳам олмайдилар.

Нега гапни бундан бошладик?.. Озод юртимизга хавф солиш учун ғанимларимиз энди болаларимизни, ақл-тасаввури ҳали тўлмаган йигит-қизларимизни йўлдан оғдириш пайига тушдилар.

Очиғи, тараққиётимиз душманлари, хоинлар шу пайтгача элимизни ўз таъсирига оғдириш, тинчлигимизни барбод этиш мақсадида турли хил ифлос ишларга қўл урдилар. Юрт ичида уруш оловини ёқишга уриндилар. Маҳаллийчилик, кин-адоват уруғини сочиб кўрдилар. Нима қилиб бўлса ҳам озодлик йўлига тушиб, минг бир машаққат билан ўзини ўнглаётган Ватанни Истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ йўқолиб кетишини, пароканда бўлишини хоҳладилар. Ҳатто, ишонмадилар, эй, буни чинакам озодлик деб бўлмайди, ҳали иқтисодий қийинчиликлар гирдобидан Ўзбекистон чиқолмайди, дегувчилар, энг ёмони, шу нарсани амалга ошишини жон-жонидан истагувчилар бор эди.

Уларга миллат бир пул эди. Уларга Ватан бир чақа эди. Улар Озодлик нима эканлигини кўр қалби, зулумот сингган тасаввури билан англай олмас эдилар. Улар империянинг миннатли, таъналы тузини ейишга ўрганиб қолишган эди. Ўлдирсанг-ўлдир, қорнимга тепма... дегувчилар эдилар... Улар қафасни синдириб, юртни, элини юксакларга парвоз этишга ундаган Инсоннинг дилида нима борлигини тушунмас эдилар.

Ўзбекистон энг оғир шароитда ўзини тиқлаб олиб, тасаввурга сиғмас даражада ўзгарди. Юрт улкан қурилишлар майдонига айланди. Ва, халқимиз иродаси, собитлиги боис Истиқлол мустаҳкамланди. Бу эса ўша, бизга ишонмаган, ичимиздан чиққан ёғийларнинг кўзини қуйидирди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларини ўқиб, ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни бардавом бўлиши учун курашишимиз керак, бошқа йўл йўқ, шундагина биз келажагимизни асраб қоламиз, деган хулосага келдим. Кимки ўз ҳаётига бефарқ қараса, теварак-атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларни англамаслиги мумкин. Чунки, юртимиз истиқлоли бизнинг ҳаётмамотимиз, тақдир-аъмолимиз, эртамиз. Суҳбат замирида мен Ўзбекистон учун, ўзбекистонликнинг бахт-иқболи учун куйиб-ёнган, юрагидагини тўкиб солган, ватанпарвар Инсоннинг улуғ даъватини туйдим. Соддароқ қилиб айтганда, кўзингизни очинг, жаҳолат жари сари бошловчиларга эргашманг, келажак авлодлар кўзига тик қарамоқ учун бугун Озод Ватаннинг чин фарзандига айланинг, деган даъватни ҳис этдим.

Биз кўз олдимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлиб яшасак, оиламиз, хонадонимиз, фарзандларимиз, Ватанимиз, келажагимизни ҳам қўлдан бой берамиз.

Президентимизнинг Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган теран жавоблари негизида ана шу нарсаларга эътибор қаратишимиз зарурлиги уқтирилади. Шунинг учун ҳам мақола сарлавҳаси **«Ҳушёрликка даъват»** деб номланган.

Сиз энг юқори лавозимдаги раҳбарсиз... Ишчи ёхуд хизматчисиз... Қаерда яшаманг, ёшларимиз маънавияти, тафаккурига салбий таъсир қилиб ўз мақсадлари йўлида қурол қилиб фойдаланишга уринган ватанфурушларга, айрим ақидапарастларга зарба бериш учун ҳушёр бўлмоғингиз лозим. Ҳар биримиз миллий ғоя, миллий мафкурамиз нурларидан руҳиятимизни равшан этмоғимиз шарт. Шундагина ҳамма нарса ойдинлашади.

Суҳбат давомида юртбошимиз **Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунча туришини истаймиз**, дедилар. Мана, улуғ Инсоннинг эзгу нияти! Демакким, миллат ҳам, Озодлик ҳам дунё қадар... Ўзлик ҳам дунё қадар!

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Қўшиғимдасан, Ватан!

Хоразмда ҳокимлик ташаббуси билан мумтоз мусиқа ва рақс санъатини оммалаштириш, ёш ижрочиларни излаб топиш, ўзбек мусиқаси ва рақсини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Қўшиғимдасан, қалбимдасан Ватан!» деб номланган кўрик-танлов бошланди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этяпти. Тадбирда ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар қуйланмоқда. Бу тадбир 1 август куни якунланиб, ғолиблар аниқланади.

Мухтасархон КАРИМОВА

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Айғоқчилик фаолияти тасдиқланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси назоратчиларининг айғоқчилик фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини таъкидлади. Аннан Би-Би-Сига берган суҳбатида бу ҳақиқатни Вашингтон ҳам рад этмаганлигини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, ҳарбий назоратчилар ўз фаолияти давомида ҳамиша айғоқчиликда шубҳа остига олинган. БМТ назоратчилари Бағдод ушбу комиссия билан ишлашдан воз кечганлиги муносабати билан ўтган йилнинг декабрь ойида Ироқни тарк этган эди.

Жанглар давом этмоқда

Мана қарийб икки ойдирки Ҳиндистон ҳарбийлари Кашмирдаги сепаратчиларга қарши кураш олиб бормоқда. Кетма-кет тўплардан ўқ узилмоқда. Ҳиндистоннинг таъкидлашича Кашмирга ҳужум қилаётган жангариларни Покистон қўшинлари қўллаб-қувватлаб турган эмиш. Покистон эса ўз навбатида кашмирлик жангарилар Исломободдан ҳеч қандай кўрсатма олаётгани йўқ. Айни пайтдаги Ҳиндистон—Покистон қарама-қаршилиги кейинги 30 йил ичида жуда жиддий тус олди. АҚШ эса вазиятни тинч йўл билан бартараф этиш учун музокаралар йўлини танлаш зарурлигини таъкидламоқда. Шу муносабат билан АҚШ давлат котибининг маслаҳатчиси ўринбосари Гибсон Ланпер Ҳиндистон раҳбарияти билан учрашди. Ланпер Исломободга бориб Покистон раҳбарияти билан ҳам музокаралар олиб борди. Исломободдан олинган хабарларга кўра, Покистон Бош вазири Навоз Шарифнинг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашувини уюштиришмоқчи.

Ғаройиб топилма

Ҳиндистоннинг шарқидаги Бихар штати пойтахти – Патна шаҳридаги темир йўл станциясида ғаройиб топилмага дуч келинди. Маҳаллий вокзал биносида 80 та одамнинг бош чаноғи жойлаштирилган қоп топилди. Полиция бу иш юзасидан қидирувни бошлаб юборди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг вакили журналистларга бу ҳақда маълумот беришдан бош тортди.

Аёлини эъзозлаган эл

Қибрай туманида Аёллар йили муносабати билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур ярмаркада тумандаги мавжуд корхоналар, ташкилотлар, билим юртлари ҳамда мактаб битирувчилари иштирок этишди. Хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш туман раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди. Ярмаркада 260 киши иштирок этди, улар билан бўш иш ўринлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. 50 нафар аёлларга ишга йўлланма берилди, 20 нафари эса касб маҳоратини ошириш учун ўқишга юборилди. Шу жойнинг ўзидаёқ 11 нафари иш билан таъминланди.

Ярмаркани ўтказишда Қибрай туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихон Шералиева, Тошкент вилояти меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасидан вакиллар иштирок этдилар. Шунингдек, ярмаркани мазмунли ташкил этишда туман меҳнат биржаси ходими Шоира Эргашева, «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси Зокир Бердиев, ХДП туман кенгаши котиби Жуманазар Бекназаровлар яқиндан ёрдам беришди.

Азиза АБДУЛЛАЕВА,
Қибрай тумани

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Қонун талабини кимлар бузмоқда?

Оқолтинлик Явқочти Ҳайдаровнинг таҳририятимизга йўллаган мактубини таажжуб ва ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Беихтиёр ўйланасан киши: хўш, нафақат туман, балки вилоятда кўпчиликка таниш бўлган бу зиёлининг таҳририятдан ёрдам сўраб мурожаат этишига нималар мажбур этди? Келинг, яхшиси гапни бошидан бошлай қолайлик.

Вилоят «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг май ойи сонларидан бирида шу йилнинг 26 май куни Гулистон шаҳрида «Кимошди» савдоси ўтказилиши эълон қилиниб, унда шу савдога қўйилаётган кўчмас мулк, турли транспорт воситаларининг рўйхати берилганди. Рўйхат деярли газета саҳифасини эгаллагани учун эҳтиёжи бўлмаган одамнинг уни бирма-бир кўриб чиқишга сабри чидамаслиги турган гап. Лекин Явқочти ака ишбилармон одам. Кўпдан-кўп ана шу рўйхат орасидан «13-17 СИМ» «Тойота» Коастер русумли автобусга кўзи тушиб қолади. Эълонда кўрсатилишича, автобус Сайхунобод пахта тозалаш заводи (расман у ҳиссадорлик жамияти деб юритилади) га қарашли экан. Хуллас, бу ишдан матбуот орқали хабар топган Явқочти ака бутун расм-русумларини ўрнига қўйиб, Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган кимошди савдосида иштирок этади ва унда ғолиб чиқиб автобусни сотиб олади.

Хуллас шу пайтга қадар сотиб олувчи учун ҳеч қандай муаммо йўқ эди. «Тойота» автобусини туман давлат автомобиль назоратида ҳисобга олиш масаласи ўртага тушгач, ҳақиқий жанжаллар, бошқача айтганда, автобус харидори учун машмашаю-бошоғриқлар бошланди. Автобусни туман давлат автомобиль назорати томонидан ҳисобга олиниши учун аввал уни Сайхунобод ДАН хизматидан ҳисобдан чиқариш лозим эди. Бунинг учун эса автобуснинг собиқ эгаси, яъни Сайхунобод пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раиси ва бош ҳисобчиси томонидан тегишли ҳужжатга муҳр босилиши керак. Автобуснинг янги эгалари тегишли ҳужжатни олиб бошлиқ ҳузурига кирдилар.

— Мен бу ҳужжатга сира ҳам муҳр боса олмайман, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Шавкат Жабборов бўшашиб.

— Нега? — таажжубланишди меҳмонлар.

— Агар автобусни берсанг — ишдан кетасан, дейишмоқда юқоридаги раҳбарлар...

Рости, бу гап кутилмаган ва яна ҳам аниқроқ айтиладиган бўлса, ақл бовар қилмайдиган ҳолат эди. Автобус аллақачон сотиб бўлинган. Сотилганда ҳам қаердадир, қайсидир бозорда пинҳона ёки қалбаки йўллар билан эмас, балки вилоятнинг расмий идоралари томонидан ўтказилган кимошди савдосида сотилган. Нега энди кутилмаганда, айнан шу пайтга келиб бунақанги гаплар чиқиб қолди?

Кўриниб турибдики, бу воқеа тафсилотларининг шу пайтга қадар бўлган мантиқий йўналишларига тушуниш мумкин. Бироқ бу ёғига эса тушуниб бўлмасди.

Келинг, масалага ойдинлик киритиш учун қисқача бўлсада, кўпдан-кўп машмашаю-бошоғриқларга сабаб бўлаётган автобуснинг кимошди савдосига қўйилиши воқеасига тўхталиб ўтайлик. Корхона бошлиғи Шавкат Жабборовнинг бу ерда иш бошлаганига, айтишларича, бир йилча бўлаётир. Ўтган йили у янги мавсум арафасида корхона бош корпуси томининг ишга яроқсиз эканини англагач, уни янгиламоқчи бўлади. Тумандаги «БМФ» хусусий фирмаси билан шартнома тузгач, тадбиркорлар бу ишни келишилган вақтда амалга ошириб бердилар. Лекин бажарилган ишнинг харажатларини тўлашга келганда, ҳозир кўп ҳолларда бўлаётганидек, буюртмачининг аҳволи танглик қилиб қолди. Хуллас, барча келишилган муддатлару қўшимча илтимослар туфайли кечиктирилган вақтлар ҳам ўтиб бўлгач, булардан бирор иш чиқмаслигини англаган хусусий фирма эгалари вилоят хўжалик судига мурожаат этадилар. Табиийки, хўжалик суди аҳволни ўрганиб чиқиб, барча зарур бўлган муддатлар ва тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда охири даъвогар фойдасига иш кўради ва ўша бизга таниш бўлган «Тойота» автобусини кимошди савдосига қўйишга ва ундан тушадиган пулни даъвогарга ундириб беришга қарор қилади.

Бўлиб ўтаётган бу воқеалардан табиийки пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг бехабар бўлишлари асло мумкин эмас. Чунки масаланинг, яъни автобуснинг кимошди савдоси босқичига чиққунига қадар анчагина вақт ўтиши, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши турган гап. Автобус сотувга ҳам қўйилди. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳақда матбуотда эълон ҳам чиқди. Кимошди савдоси бўлиб ўтиб, корхона мулки бўлмиш автобус сотилди ҳам. Буни қарангки, ғишт қолипдан кўчган, яъни ҳамма иш деярли ярим йиллик можаролардан сўнг ўз-ўзидан ойдинлашган бўлишига қарамай, бор-йўғи оддийгина расмий иш-ҳужжатга муҳр босишга келганда автобуснинг олдинги эгаларидан ҳам ажойиб жумбоқ эди. Воқеа тафсилотларининг шу пайтга қадар бўлган мантиқий йўналишларига тушуниш мумкин. Бироқ бу ёғига эса тушуниб бўлмасди.

Келинг, масалага ойдинлик киритиш учун қисқача бўлсада, кўпдан-кўп машмашаю-бошоғриқларга сабаб бўлаётган автобуснинг кимошди савдосига қўйилиши воқеасига тўхталиб ўтайлик. Корхона бошлиғи Шавкат Жабборовнинг бу ерда иш бошлаганига, айтишларича, бир йилча бўлаётир. Ўтган йили у янги мавсум арафасида корхона бош корпуси томининг ишга яроқсиз эканини англагач, уни янгиламоқчи бўлади. Тумандаги «БМФ» хусусий фирмаси билан шартнома тузгач, тадбиркорлар бу ишни келишилган вақтда амалга ошириб бердилар. Лекин бажарилган ишнинг харажатларини тўлашга келганда, ҳозир кўп ҳолларда бўлаётганидек, буюртмачининг аҳволи танглик қилиб қолди. Хуллас, барча келишилган муддатлару қўшимча илтимослар туфайли кечиктирилган вақтлар ҳам ўтиб бўлгач, булардан бирор иш чиқмаслигини англаган хусусий фирма эгалари вилоят хўжалик судига мурожаат этадилар. Табиийки, хўжалик суди аҳволни ўрганиб чиқиб, барча зарур бўлган муддатлар ва тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда охири даъвогар фойдасига иш кўради ва ўша бизга таниш бўлган «Тойота» автобусини кимошди савдосига қўйишга ва ундан тушадиган пулни даъвогарга ундириб беришга қарор қилади.

Бўлиб ўтаётган бу воқеалардан табиийки пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг бехабар бўлишлари асло мумкин эмас. Чунки масаланинг, яъни автобуснинг кимошди савдоси босқичига чиққунига қадар анчагина вақт ўтиши, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши турган гап. Автобус сотувга ҳам қўйилди. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳақда матбуотда эълон ҳам чиқди. Кимошди савдоси бўлиб ўтиб, корхона ри тўнларини тескари кийиб олдилар ва «бермаймиз»га тушиб қолдилар. Хўш, нега? Ҳар қанча ўйланманг, бу саволга жавоб топиш қийинга ўхшайди...

Бир нарса кишини ҳайрон қолдиради. Сирдарё вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбарларини Сайхунобод пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий аҳволидан ҳам кўра уларнинг инон-ихтиёридан ташқари сотилиб қолган автобуси кўпроқ қизиқтираётганга ўхшайди. Чунки заводдаги вазиятнинг чиндан ҳам оғирлигини қуйидаги мисоллардан кўрса бўлади. Жамоа раҳбарининг бизга берган маълумотларига кўра, корхона бюджет солиғидан 50 миллион сўм, нафақа жамғармасидан 20 миллион сўм, ойлик иш ҳақларидан эса деярли 11 миллион сўм қарздор бўлиб қолган. Сайхунобод пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раҳбари Шавкат Жабборов ўзининг шу йил апрель ойида жамоанинг ҳозирги иқтисодий аҳволи ҳақида расман хат йўллаб, шу жумладан «БМФ» хусусий фирмасидан бажарилган иш учун 1 миллион 314 минг сўм қарз экани, уни тўлаш учун ёрдам чоралари кўриш лозимлигини сўраб бирлашма раиси У. Тоиров номига мактуб ҳам йўллаган. Хўш, бирлашма раҳбарлари корхона мол-мулкининг сотилишига шу қадар бефарқ эмас эканлар, нега бу меҳрибончиликларини ўша пайтда, яъни олди-сотди бошланмасдан олдин намоён этмадилар? Қолаверса, нега энди пахта тозалаш заводи бошлиғи деярли 80 миллион сўмлик қарзларни бартараф эта олмаётганлиги учун эмас, балки ўн йилдан бери фойдаланавериб эскириб кетган бир автобусчани сотиб корхона таъмирига ишлатгани учун «ишдан кетиши» керак?

Мазкур воқеалар тафсилоти билан танишар экансиз, кишини яна бир масала таажжубга солади. Нега энди вилоят ҳамда туман миқёсидаги катта лавозимларга эга бўлган баъзи масъул кишилар ўзларича қонун талабларини бажармаслик мумкин деб ўйлашади? Ҳар қандай муаммоларни, агар улар асосли бўлса, суд жараёнига қадар кўриб чиқиш, ўрганиш ва ҳал этишга уриниш мумкин эдику? Нега уларнинг ўжарликлари айнан суд қарори чиққандан сўнг жунбушга келди? Қонунларимиз талабларини бу қадар менсимаслик туйғулари қачон пайдо бўлган ва кимлар, нималар учун керак? Ахир бизлар ҳар ишда, ҳар соҳада қонун устувор бўладиган, адолатли, демократик жамият қуриш учун кураш олиб бормаётирмизми? Нега энди раҳбарларимиз қонун талабларини менсимасликдек ҳаракатлар қилишдан қўрқмайдилар ва ўзларини бу йўлдан тия олмайдилар?

Биз рости ана шу саволларни ўша «муҳр боссанг — ишдан кетасан» қабилида оғзаки, телефон орқали буйруқ берган бирлашма раиси Умар Тоировга кўндаланг қўймоқчи эдик. Лекин биз бирлашмага борган кунимиз у киши лавозимидан кетган экан. Янгиси эса ҳали тайинланмабди. Ана шунақа... Баъзи бошлиқлар кимларгадир, нималаргадир ишонишиб оғзаки буйруқни берадилару, вақти келиб жавоб бериш лозим бўлганида эса уларни топа олмай қоласиз...

Ҳа, бирлашма раиси кетди, лекин у киши тўсқинлик қилган автобус можароси ўз ечимини топганича йўқ. Билишимизча, аксинча, энди авжига минадиганга ўхшайди. Чунки Оқолтиндан келаётган маълумотларга кўра, Сайхунобод туманидан ДАН ходимлари бориб, автобусни сўрашаётган эмиш. Ажабо! Наҳотки бу ишлар остида бизлар билмайдиган ва тушунмайдиган сирлар ётган бўлса?

Биз ушбу масала юзасидан Сирдарё вилоят хўжалик судида бўлган чоғимизда суд раиси Ҳайдар Темировнинг вилоят прокурори Э. Бердимуродов номига йўллаган расмий хатига кўзимиз тушди. Унда вилоят хўжалик судининг юқоридаги масала юзасидан чиқарган қарорини бажаришга тўсқинлик қилаётган вилоят «Пахтасаноатсотиш» раҳбарларига нисбатан тегишли чора кўриш сўралган эди. Собиқ бошлиқ Умар Тоировнинг ишдан кетиши билан бу масала четга суриб қўйилмас ҳамда вилоят прокуратураси бу масалага қонун талаблари нуқтаи-назаридан ёндошиб, кимлардир томонидан яратилаётган чалкашликларга ойдинлик киритади, деган умилдамиз.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳисобот — сайлов конференциялари

Ҳар бир партия аъзоси фаол бўлсин...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят ташкилотининг II конференцияси кўтаринки руҳда ўтди. Унда анжуман иштирокчилари ўтган йиллардаги ишларга баҳо бериб, бундан кейинги даврда партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритдилар.

Вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Х. Эрматов ҳисобот маърузасини шундай мулоҳазалар билан бошлади:

- Ўтган саккиз йил вилоят учун тикланиш ва жадал ривожланиш даври бўлди. Янги-янги корхоналар, ишлаб чиқариш ва савдо марказлари, маҳалла гузарлари, маданият ва спорт иншоотлари қад кўтарди. Айниқса, вилоят маркази Термиз шаҳрининг таниб бўлмас даражада ўзгариши кўзни қувонтиради. Ёруғ ва равон йўллар, теннис кортлари, янги шарқона бозор қурилиши ва бошқа бунёдкорликлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

1998 йилда вилоятда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 63 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу 1997 йилга нисбатан 9,7 фоиз кўпдир. Шунингдек, ана шу даврга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 118 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 106 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки бевосита иштирокчисидир. Чунки, ХДП мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин пайдо бўлган нуфузли сиёсий кучдир.

Компартия ҳукмронлик қилган даврларда раҳбардан тортиб, оддий ишчигача ана шу партия мафкурасига бўйсундирилганди. Миллий истиқлол туфайли бунга чек қўйилди. Эски мафкуравий занжирлар узилиб, миллатимизга хос маънавий қадриятларни тиклаш, фуқаролар шу жумладан, ҳар бир партия аъзосининг янгича қарашларга эга бўлишига эришиш йўли тутилди.

Ўтган йиллар давомида мустақилликка садоқатли, эътиқоди бутун, сиёсий қарашлари етук кўплаб кишилар ХДП сафига интилдилар. Ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда, партия ташкилоти янги кучлар, навқирон ёшлар ҳисобига тўлиб бормоқда.

1991 йилда вилоятда 14 та туман ва шаҳар партия кенгашлари, яъни 764 та бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ўз таркибида 23700 нафар партия аъзоларини бирлаштирган эди. Ҳозирда, вилоятда 920 та бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган, 1 та шаҳар ва 14 та туман ХДП кенгашлари мавжуд бўлиб, улар ҳисобида 35,5 мингдан ортиқ аъзолар бор.

Албатта, гап фақат партия аъзоларининг сонида эмас, балки сифатида, тўғрироғи, уларнинг ташаббускорлиги, фаоллигидадир.

Конференцияда сўзга чиққан ХДП Узун туман кенгаши биринчи котиби К. Шамиева айнан шу хусусда тўхталиб, қуйидагиларни айтди:

— Партиямизнинг ҳаракатидан қониқиш ҳосил қилмаган аҳоли истиқомат қиладиган бирон-бир жой қолмаслиги учун ҳаракат қилмоғимиз зарур. Шу боис, кўпроқ одамлар орасида бўлишга интилмоқдамиз.

Инсоф билан айтганда ХДП аъзоларининг ўрни вилоятда катта. Бунинг исботи шундаки, воҳадаги ҳар бир хўжалик, катта-кичик ташкилотларда партия бошланғич ташкилотлари мавжуд. Улар ҳаётнинг турфа нуқталарида меҳнат қилиб, обрў-эътибор қозонишаяпти. Балки шунинг учун ҳам ҳисобот маърузаси умумий рақамлардан ёки ўтган йилларда амалга оширилган кўп тадбирлар, ишларни санаш, эътироф қилишдан иборат бўлиб қолмади. Балки, нотиқ бугунги кунда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, ечимини кутаётган муаммолар, оғриқли масалалар, мустақиллик мафкураси, айниқса ёшлар онгини келажакнинг ёруғ шуурлари билан ўстириш масалаларига эътиборни қаратди. Жумладан, шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳокимликларнинг халқ таълими бўлимлари, «Камолот» ёшлар жамғармасининг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорликда «Тарғибот» марказлари жорий этди. Сиёсий ўқувларнинг жойларда янги тизими қарор топди. Бугунги кунда вилоятдаги шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари қошида 200 дан ортиқ «Маърифат» марказлари, 600 дан зиёд ана шундай хона ва бурчаклар фаолият юритмоқда. Ечимини кутаётган муаммолардан бири эса, вилоятдаги 210 дан зиёд мактабларда дарслар ҳамон икки сменада ўтилмоқда, касалхоналарнинг аҳволи мақтагулик эмас.

Бандихон, Олтинсой, Қизириқ, Музработ каби туманларда газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш 50 фоиздан ошмайди. Энг оғриқли масала — вилоятдаги кўпчилик хўжаликларда деҳқонларга иш ҳақларини вақтида тўлаш эса ҳанузгача қийин кечмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан Деновдаги «Чағаниён» ҳиссадорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати К. Сапиев, Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси А. Аҳмедов ва бошқалар жойларда партия ташкилотлари амалга ошираётган ибратли ишлар билан биргаликда, айрим қамчиликлар ҳақида рўй-рост сўз юритдилар. Музработ, Бандихон, Олтинсой каби туман партия кенгашлари фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ташкилот, хўжалик ва корхоналар, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик, алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Ҳатто аъзолик бадалларини йиғиш ҳам ўлда-жўлдалигича қолмоқда. Бу аҳволда партия ташкилотларининг обрўсини кўтариш қийин, албатта.

Конференция ишида иштирок этган вилоят ҳокими Жўра Норалиев делегатлар диққатини Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовни яқинда Сурхондарёда бўлган пайтида воҳа меҳнат аҳли олдига қўйган долзарб вазифаларга қаратди ва барча партия аъзоларини уларни шараф билан адо этиш йўлида ташаббускор бўлиш, фаоллик кўрсатишга чорлади. Анжуманда ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири А. Раҳимов сўзга чиқди.

Конференцияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Вилоят партия кенгаши ҳамда ташкилот тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди. Шунингдек Ўзбекистон ХДПнинг бўлажак III қурултойи ва ялпи сайловлар муносабати билан вилоят партия кенгашига тегишли ваколатлар берилди.

Вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида Х. Эрматов унинг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Абдурасул ЖУМАҚЎЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ипагимизнинг нега қадри паст?

Пиллачилик мамлакат иқтисодиётини кўтаришда муҳим ўрин тутадиган соҳалардан саналади. Чунки пилла қимматбаҳо хомашё бўлиши билан бирга ундан ноёб газламалар тўқиш имконияти мавжуд. Унинг ғумбаги паррандачилик, балиқчиликни ривожлантиришда ва озиқ-овқат саноатида эса муҳим хомашё сифатида ишлатилади. Айниқса пилла учун ишлатиладиган тут дарахтларнинг мевалари инсон организми учун нечоғлик дармондори эканлиги ҳусусида тўхталиб ўтиш шарт бўлмаса керак. Шу боисдан ҳам пиллачиликни ҳеч иккиланмай ноёб соҳа деб аташ мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, агар ушбу соҳага эътибор қаратилиб янада ривожлантирилса мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш имкони пайдо бўларкан. Сабаби бугунги кунда хорижда бир килограмм қуруқ пилланинг нархи 10 доллар, ундан олинадиган бир килограмм ипак эса, 30-60 долларгача. Бир метр ипак газламанинг жаҳон бозордаги нархи 20 долларни ташкил этаркан. Муҳими эса унинг ғумбагини ҳам хорижликларга яхшигина сотиш мумкин.

Хўш ана шундай кони фойда соҳага сўнгги пайтларда нега эътибор берилмай қўйилди? Норасмий бўлмаган маълумотларга кўра, бундан 5-6 йил аввал республикамиз бўйича 33 минг тоннадан зиёдроқ пилла етиштирилган. Ўтган йили бу кўрсаткич 20 минг тоннага, бу йил эса ундан ҳам камроққа тушиб қолиш эҳтимоли сезилмоқда. Бунга сабаб хорижга экспорт қилинаётган пилламизнинг сифатсизлиги туфайли энг арзон нархда яъни, бир килограмм қуруқ пилла бор-йўғи 2-2,5 доллар нархида баҳоланаётган бўлса, иккинчи сабаби мавжуд уруғчилик заводлари ва пилла тўқимачилик корхоналаридаги технологияларнинг ғоятда эскирганлигидир. Табиийки бу ўз навбатида пилла етиштирувчилар билан уни қайта ишловчилар ўртасида турли хил номувофиқликларни келтириб чиқармоқда.

Бир пайтлари Чину Мочинггача донғи кетган ўзбек ипагининг машҳурлигини қайта тиклаш мумкинми? Албатта мумкин. Фақат бунинг учун каттагина харажат талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу соҳага хорижлик сармоядорларни жалб этиш фойдадан холи бўлмайди. Акс ҳолда пиллакорларнинг бири икки бўлмайди.

Бундан бир йил аввал мамлакатимиз Президентининг «Ўзбек ипаги» акциядорлик бирлашмаси таркибида «Пилла холдинг» компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони қабул қилингандан сўнг компания раиси Турсунпўлат Азизов (собиқ) пиллакорларни йиғиб узоғи билан бир йил ичида бу соҳада улкан ўзгаришлар бўлишлигини таъкидлаб, японияликлар билан пиллачиликда қўшма корхоналар ташкил этиш учун қарийб 30 миллион долларлик маблағ сарфлаётганлигини айтганди. Шунингдек республикамизда йилига 2-3 маротаба етиштириш имкони пайдо бўлганини уқтириб ўтганди. Бу ишларни Япония — Ўзбекистон пиллачилик маркази ташкил этилиши билан амалга ошириш кўзда тутилди. Афсуски, ана шу ваъдаларга ҳам бир йилдан ошаётган бўлсада, уларнинг биронтаси ҳам бажарилмади. Компанияга янги раҳбарлар келгач, барча ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди. Агар аҳвол шу алпозда давом этаверса, яна бир-икки йилдан сўнг бу соҳа ўгай соҳалардан бирига айланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мен бу фикрларни ушбу соҳада қарийб қирқ йилдан буён меҳнат қилиб, орттирган тажриба ва кузатишларимдан келиб чиқиб гапираяпман.

Ўйлаймизки, бу борада тегишли ташкилотлар ва мутахассислар бунга ўзларининг фикр ва ҳулосаларини берадилар.

Мақсуда ҚУРБОНОВА,
катта селекционер,
Фарғона вилояти.

Тил — дарё, дарёмизни асрайлик

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
база	**1. база** (юнонча basis асос) **2. омбор** (мол-товар олиб-бериб турилади-диган жой)
баланс	**1. баланс** (французча balance тарози) Масалан, бухгалтерлик баланси. **2. Мувозанат.** Масалан, кучлар мувозанати.
банкротство	**банкротлик** (итальянча bancarotta синиқ ўриндиқ) Бу терминни «синиш», «касодга учраш» тарзида қўллаш унинг тўла маъносини бера олмайди.
бизнес	**бизнес** (инглизча bisiness машғулот; савдо корхонаси) Мазкур терминни «ишбилармонлик», «тадбиркорлик» деб қўллаш нотўғри.
бизнесмен	**бизнесчи**
билет	**1. чипта.** Масалан, автобус чиптаси. **2. билет** (лотинча bulla хатча). «Чипта» сўзи баъзан «патта» деб нотўғри ишлатилмоқда.
биржа	**биржа** (лотинча bursa ҳамён, кармон) Айрим газета-журналларда унинг «тижоратгоҳ» шаклида берилиши нотўғри.
блок	**1. блок** (французча bloc, инглизча block битим, келишув; бўлак, парча) **2. иттифоқ** Бу атаманинг аслида иккита маъноси мавжуд.
брокер	**брокер** (инглизча broker синдирувчи) Унинг «даллол», «воситачи» деб берилиши нотўғри.
бухгалтер	**бухгалтер** (немисча Buch китоб + halter сақловчи, асровчи) Бу атамани «ҳисобчи» деб бериш нотўғри. «Ҳисобчи» русчадаги «счётовод», «учётчик» сўзларига тўғри келади.
бухгалтерия	**бухгалтерия.** Уни «Ҳисобхона» сўзи орқали ифодалаш тўғри бўлмайди.
бюллетень	**1. бюллетень** (французча bulletin кичик ёрлиқ, эълон). Масалан, сайлов бюллетени. **2. ахборот** (расмий ҳужжатлар нашри) **1. варақа.** (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси)
бюрократизм	**бюрократлик** (французча bureay муассаса + юнонча kratos ҳокимият), расмиятчилик Бюрократизм ўзбек тилида бюрократлик, **расмиятчилик** тарзида икки муқобилда ишлатилмоқда
вакансия	**бўш ўрин**
валюта	**валюта** (итальянча valuta қиймат, баҳо) Бу атама баъзан «хорижий пул», «четпул» деб хато ишлатилмоқда
визит	**ташриф**
ветеран	**фахрий**
вокзал	**вокзал** (инглизча Vauxhall Вокс зали (Лондон яқинида Жейн хоним Вокс қурдирган кошона зал номидан)) Вокзал йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бинолар, иншоотлар мажмуаси бўлиб, уни «шоҳбекат» ёки баъзи олимлар тавсия этганидек «қаторсарой» деб қўллаш тўғри эмас.
врач	**врач** (русча сўз). Бу атамани баъзилар шифокор, ҳаким сўзи билан алмаштириб қўллайдилар. Бироқ шифокор умумий маънога эга. Масалан, ҳамшира ҳам шифокор. Врач сўзи ўзбек тилида санитария врачи, ветеринария врачи (ветврач) каби бирикмаларда ҳам қўлланиб келади. Бундай ҳолларда санитария ҳакими, ветеринария ҳакими деб бўлмайди.

(Давоми бор)

Кўприк қур, кўп ўтади. Хўп топиб айтилган гап. Дарҳақиқат, юртимизнинг энг савобталаб кишилари кўпнинг йўлини яқин қилиш мақсадида қадим-қадимдан дарёлар устига кўприк қурганлар. Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қарийб саккиз йил ичида қатор вилоятларда дарёлар устига ажойиб, замонавий кўприклар қурилди. Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Тошкент бугунги кунда улкан қурилиш майдонини эслатади. Қатор маъмурий, маданий-маиший, уй-жой бинолари қатори кўприклар ҳам бунёд этилмоқда. Ана шулардан бири пойтахтнинг Юнусобод туманида, Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишган жойда қурилмоқда. Бу ажойиб иншоот қурилишида «Кўприккурилиш» трестининг 13-, 15-, 67-, 68-бўлинмалари ҳамда «Тошметроқурилиш» трестининг 8-туннел жамланмаси бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишяпти. Узунлиги деярли ярим чақирим, эни эса 30 метр бўлган ушбу кўприк қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бунёдкорларнинг нияти — ушбу иншоотни Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш.

Суратда: 1. «Кўприккурилиш» трестининг 13-бўлинмаси прораби Константин Пеньков (ўнгда) ва монтажчи Олег Овчинников. 2. Кўприк қурилишидан бир лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



Қутлов!

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан таҳририятимизга келаётган табрик хатлари талайгина, аммо ушбу қутловлар ичида алоҳида таъкидлашга арзийдиганлари ҳам борлиги барча таҳририят ходимларини қувонтирди. Ички ишлар вазирлигининг 117 сонли буйруғига биноан тақдим этилган фахрий ёрлиқда қуйидаги сўзлар бор: «Ўзбекистон овози» газетасининг Бош муҳаррири ўринбосари Алимқул Султонов Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди», сана 1999 йил 17 июнь. Шахсан Ички ишлар вазири Зокиржон Алматовнинг имзоси билан тақдим этилган фахрий ёрлиқ жамоадошимиз А. Султоновнинг фаолиятига берилган баҳо, қолаверса газетамизга бўлган юксак эътибордир.

Биз, ҳамкасблари Алимқул Султоновни сидқидилдан табриклаймиз, ҳамиша эл-юрт назаридан четда қолмаслигини тилаб қоламиз!

Таҳририят

Олий таълимда «портлаш эффекти»

Ислом КАРИМОВ:

Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

Онгни ўзгартириш

Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақиллигимизнинг меваси саналади. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, мамлакатимизда хорижий тилларни мукаммал биладиган малакали кадрларга катта эҳтиёж сезила бошлади.

Бугунги ёш авлод инглизча гапираётганини эшитиб ҳайратланмайсиз. Мустақиллик берган имтиёзлар фақат оғизда ва қоғозда эмаслигига балки амалда рўёбга чиқаётганини англаб, дилингиз янада равшанлашади. Бизнинг ғафлатдаги фикр булоқларимизнинг кўзини очганлиги, ҳаётга муносабатимизни ўзгартирганлиги учун ҳам истиқлолни кўзларимизга тутиё айламоғимиз керак...

— Фаолият бошлаган дастлабки кунлардаёқ, мен иккита тамойилга эътиборимни қаратдим. Биринчи, одамларнинг онгини ўзгартиришга эришиш. Иккинчи, дўстлар орттириш. Дастлабки кунларда, ҳаттоки иш кабинетим ҳам йўқ. Институтнинг номи бору-ўзи эса йўқ. Тез орада битта кичикроқ хона ва телефонга эга бўлдим. Бизга мана шу бино ажратиб берилди. Мен жамоани йиғиб илк йиғилиш ўтказганимда, институтнинг бўлғуси қиёфаси ҳақида мулоҳаза юритдим. Шунда баъзилар, ҳатто ўзимга - «Биз кўп раҳбарларни, ваъдаларни кўрганмиз, бу гапларингиз афсонадан бошқа нарса эмас», — дейишди. Мен шундай ҳолни кутган эдим. Шунинг учун ҳам, ўз олдимга биринчи вазифа қилиб, жамоамиз онгини ўзгартиришни қўйдим. Мен, собиқ университет биноси, бугунги кунда, бизники бўлган ўқув хоналарни айланар эканман. Дастлабки таассуротларимдан хулоса ҳам чиқариб олдим. Чизиб ташланган парталар, синиб ётган доскалар... Бу аянчли аҳвол менга кўп нарсаларни берди. Мен жамоамда, мулкка нисбатан меҳр уйғота бошладим. Уларнинг ҳар бири англаб етсинки «бу меники, мен буни эъзозлашим керак». Ушбу тамойилни ҳар бир талаба, муаллимнинг онгига сингдиришга эришдик. Мана шу жойдан биз ўз олдимизга қўйган биринчи мақсадимизга эриша бошладик, — дейди институт ректори Юсуф Абдуллаев.

Дўстлар орттиришнинг машаккатли йўлларида

Институт ректорининг хорижий меҳмонларни қабул қиладиган махсус кабинети. Ушбу хона дид билан жиҳозланган. Бу ердаги муҳташам столда хорижий давлатларнинг байроқлари териб қўйилган. Булар қисқа давр ичида институтга ташриф буюрган хорижий давлат элчиларининг дўстлик рамзлари сифатида, бу ерда қад ростлаган.

Институтда корейс тили ва маданияти маркази 1996 йил 4-5 апрель кунлари Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон И жанобларининг иштирокида очилган. Мазкур марказда 7000 АҚШ доллари қийматидаги мебель, аудио ва видео аппаратуралар, ўқув методик, илмий, бадиий адабиётлар мавжуд.

Турк тили ва маданияти маркази 1997 йил 30 октябрда Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакили Ахмет Севги жаноблари иштирокида очилган. Марказда 2000 АҚШ доллари миқдорида зарурий жиҳозлар, ускуналар бор.

Француз тили ва маданияти маркази 1997 йил 20 майда Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси томонидан очилди. Марказга 2000 АҚШ доллари қийматида барча зарурий ўқув ва илмий адабиётлар ва асбоб-ускуналар элчихона томонидан туҳфа этилди.

Олмон тили ва маданияти маркази 1997 йил 16 июнда Олмониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси иштирокида очилди. Элчи жаноблари ушбу марказга 3000 АҚШ доллари миқдорида зарурий жиҳозлар ва ўқув адабиётлари тақдим этдилар.

Итальян тили ва маданияти маркази 1999 йил 18 январда Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси иштирокида очилди. Ушбу марказга Италия томони 10000 АҚШ доллари миқдорида барча ўқув адабиётлари ва жиҳозларни олиб берди. Бундан ташқари Ўзбекистон-Италия «Совпластитал» қўшма корхонасининг бош директори А. Н. Мелкумов мазкур марказга 2 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатди.



Рус тили ва адабиёти маркази Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. К. Пацев иштирокида 1998 йил 6 июлда очилган. Ушбу марказга элчихона томонидан ўқув адабиётлари, турли хил луғатлар совға қилинган.

Араб тили маркази 1999 йил 17 март куни тантанали равишда очилди. Маросимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдух Шавқий жаноби олийлари иштирок этди. Ушбу марказни тўлиқ жиҳозлаш, керакли ўқув адабиётлари, техника воситалари билан таъминлашни элчихона ўз зиммасига олган эди. Барча жиҳозлар, адабиётлар келтирилди. Бугунги кунда ушбу марказ ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Марказга 3000 АҚШ доллари миқдорида барча жиҳозлар элчихона томонидан совға қилинди.

Бугун Самарқанд давлат чет тиллар институти нафақат республикамизда, балки жаҳонда ҳам ўзига яраша нуфуз ва мавқега эга ўқув масканидир. Институт жаҳонга, жаҳон эса унга интилмоқда. Бу ерга ташриф буюраётганлар, илм даргоҳининг нуфузи тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишмоқда. Ҳатто Франциядек давлатнинг элчиси институтга 16 марта ташриф буюрганининг ўзи ҳам барчани ҳайратлантиради. Ҳа биз-нинг назаримизда институт ректори иккинчи мақсадига ҳам эришди. У бутун жаҳон бўйлаб дўстлар орттирди. Ишончли дўсти, ҳамкори борнинг эса ҳеч қачон юки ерда қолмайди.

Американинг кашф этилиши

Институт ректори Юсуф Абдуллаев «IREX» - халқаро илмий алоқалар алмашиш кенгашининг Истамбулда бўлиб ўтган танловида ғолиб чиқиб океан ортига тўрт ойлик сафар қилиш имкониятини қўлга киритди. У 1998 йил 14 ноябрдан 19 декабргача уч ҳафта Оклохомада ва икки ҳафта Вашингтонда бўлди. «IREX» танловида «таълимни такомиллаштиришга ёндашувингиз» деган шарт қўйилиб, унда мингга яқин мамлакат вакиллари иштирок этди. Бор-йўғи йигирма бир мамлакат вакилларигина ғолиблик грантини қўлга киритишди. Биз бу ҳақда Юсуф Абдуллаевнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Шуниси қувонарлики, биз АҚШ ахборот агентлигининг 200 минг долларлик грантини олиб келдик. Ушбу грант асосида Самарқанддан ўн нафар ўқитувчи, Америкада тўрт ой муддатли дарслар ўтиб келади ва америкалик ўн беш нафар домлалар бу ерда ҳар қайсиси шунчадан муддатда дарс беради. Бу грантнинг умумий муддати - уч йил. Биз яқинда Оклохомадан халқаро туризмга оид китоблар олиб келамиз. Ва яна, Америка ёзги мактабларининг йирик олимлари бизга келиб дарс беришади. Ва яна бир муҳим янгилик, Ўзбекистонда ва бевосита институтимизда Америка коллежини очиш учун уларнинг розилигини олдим. Бу коллежда кириш имтиҳонлари ўзимизники, аммо ўқув дастури уларники бўлади. Таълимнинг тўртинчи йили талабалар АҚШ да ўқишади. Охирида эса Оклахома университети ректори келиб, талабаларга АҚШ дипломларини топширади.

Муҳит тарбиялайди

— Институтимизнинг ташкил бўлганига 4 йилдан ошди. Мана шу давр ичида жамоамиздан юқори ташкилотларга бирорта шикоят хати тушмаган. Гарчи нокамтарлик бўлсада айтиш мумкинки, бугун бизда соғлом муҳит юзага келган. Биз қисқа даврда институт қиёфасини жаҳон андозалари талаблари асосида шакллантирдик. Агар биз ўзаро келишмовчиликка йўл қўйганимизда эди, асосий вазифамиз бир четда қолиб кетган бўлар эди. Шунинг учун биз аввало илмий, ижодий муҳит яратишга алоҳида эътибор бердик. Мана шу муҳит эса жамоани тарбияламоқда. Президентимизнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги тарихий маърузаларида «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур»лигини алоҳида қайд этдилар, — дейди Юсуф Абдуллаев.

Бугун институт маънавият масканига айланган. Бу ерда очилган марказлар, ўқув хоналари ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Профессор-ўқитувчилар эса талабаларга меҳр билан илм сирларини ўргатишмоқда. Чунки уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилади.

— Мен ўқитувчиларимиз меҳнатига ҳамиша ўз муносабатимни билдириб бораман. Масалан ойлик маошга 20-30 фоиз қўшимча қўшилади. Бирор илмий тадқиқот яратаётган бўлса нашр ишларига институт ҳомийлик қилади. Бирор шаҳарга хизмат сафарига бормоқчи бўлса харажатлари тўлиқ таъминланади. Агар моддий ёрдамга муҳтож бўлса бу ҳам эътиборга олинади. Бизнинг улардан талабимиз битта ҳалоллик, талабаларга меҳрибон бўлиш ва дарсларни юқори савияда ўтиш. Ушбу талабларни бажарган профессор-ўқитувчиларимизга барча шароитлар муҳайёдир, — дейди Юсуф Абдуллаев.

Маънавият бешиги

Институтнинг иккинчи қаватига кўтарилишда, узунлиги 43 метрдан иборат деворга ишланган улкан композиция бор. Рассомлар Аслиддин Исаев, Хушвақт Салоҳиддиновлар бир йил давомида ушбу санъат асарини яратишди. Асарда «Буюк ипак йўли» ифодаланган. Хитой, Ҳиндистон, Миср, Греция, Италиядан чиққан карвонларнинг Самарқандга келиб учрашишлари тасвирланган.

Иккинчи қават йўлагига тўлиқ рассом Аслиддин Исаевнинг ижодий кўргазмаси жойлаштирилган. Институтда маънавият хонаси йўқ. Лекин талаба, фақат ўқув хонасида эмас, ҳатто йўлакда ҳам маънавият билан юзма-юз келади. Рассомнинг гўзал суратлари сизни фақат гўзалликка ундайди.

Уйғоқ овоз

Бугун институтда 30га яқин хорижлик мутахассислар талабаларга чет тилидан сабоқ бермоқдалар. Бугун институт аспирантлари жаҳоннинг турли даргоҳларига юборилиб ўқитилмоқда.

Бир пайтлар битта телефон аппарати билан иш бошланган институтда, бугунги кунда 50 та замонавий компьютер, электрон почта мавжуд. Бу ишларнинг барчаси бизнинг назаримизда Президент Ислом Каримовнинг мана бу пурмаъно сўзларининг замирида яратилди: «...Ишончим комил: агар бу ислоҳотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз».

Бугун истиқлолнинг саккиз йиллиги арафасида мен Самарқандда уйғоқ овоз билан инқилобий ўзгаришлар қилаётган замондошларимга улкан зафарлар тилаб қоламан.

Фаруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: институт ректори Юсуф Абдуллаев

Миллий маънавиятнинг янгиланиш хусусиятлари

Ислом КАРИМОВ:

Маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

Тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан юзага келтирилган ва инсонларнинг ўзигагина хос бўлган мукаммаллик фазилатларидан бири, бу – маънавиятдир. Маънавиятнинг моҳияти ва мазмуни онг, психология (руҳият) ҳамда инсоннинг индивидуаллиги билан боғлиқдир. Маънавият инсонларгагина тааллуқли бўлар экан, у инсон ақли ва руҳининг фан, сиёсат, санъат, дин сингари кўринишларида намоён бўлади. Жумладан, давлат, шахс – индивид маънавияти, маънавий фаолиятининг ёрқин ифодаси тарзида зуҳур этилади.

Мамлакатимиз мустақиллик шароитида ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида миллий хусусиятларимиздан ва замонавий технологик жараёнлар кўламидан келиб чиққан ҳолда туб ислоҳотларни ўтказишни амалга оширмоқда. Бу кечинмишлар маънавият соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Республикамизда ислоҳотларнинг биринчи босқичида кўрсатиб ўтилганидек, «...халқнинг маънавий-руҳий ҳолатини тиклаш» уни янгилаш, ўтмиш авлодларимиздан мерос бўлиб қолган маданий бойлигимизга ижодий ёндашиш, миллий хусусиятларимизга мос келадиган замонавий ранг-баранглиги, миллий ғояни ишлаб чиқиш, шакллантириш, амалиётга жорий қилиш мустақиллигимизнинг ва замонамизнинг талабидир.

Маънавият инсон ижтимоий ҳаётининг ахлоқий ибтидосида ҳамда хулқ-атворининг ахлоқий меъёрларида тўлароқ намоён бўлади. Буларнинг замирида эса индивиднинг, ижтимоий гуруҳнинг, кишилар, халқлар, мавжуд мамлакатлар турли хил жамиятнинг юксак (мавжуд жамият наздида) ахлоқий, бадиий, маърифий сингари қадриятларга томон интилиши ётади. Буларнинг ичида муштараклик хусусиятига кўра бошқа халқлар қабул қилиши мумкин бўлганлари ҳам, фақат бир халққагина тааллуқли миллий ўзига хослари ҳам мавжуддир. Шу маънода, Президентимиз таъкидлаганларидек, айтиш мумкинки, «Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради».

Ўзбекистон – демократия ва фуқаролик жамияти ғоялари аста-секин, бир текисда ёйила бораётган, умуминсоний қадриятлар жамият маънавий ҳаётининг ўзаги сифатида етакчилик тамойилларига эга бўлаётган мамлакатнинг ёрқин мисолидир. Шу ўринда, Ўзбекистон фуқароларининг умуминсоний қадриятларга мойиллиги ёрқин кўриниб туриши ҳақида гапирилганда, Ўзбекистон халқининг ноёб тарихий-маданий меросга эга эканлигини ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Негаки, бой маданий мерос ўз-ўзидан юзага келган эмас. У ўтмиш жаҳон цивилизацияси маданиятининг кўплаб нафис қирраларини ўзида мужассамлаштира олганки, унинг жилваси хориж халқларинида, мамлакатимиздаги юздан ошиқ миллат вакилларинида қизиқтирмасдан, унга томон интилтирмасдан қолмайди. Гўзаллик эса, ҳар қандай жаҳолатни ҳам эзгуликка қайтармасдан қўймайдиган муқаддас кучдир.

Мамлакатимизда, ўтмиш аждодларимизнинг маданий меросини асос қилиб олган ҳолда, маънавий янгиланиш сари собитқадамлик билан бораётганлигимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг маънавий янгиланиш стратегик йўналишлари тўғрисида ҳар то-

1

монлама ўйлаб кўрилган қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айни маънода халқимиз, мамлакатимиздаги мавжуд барча миллатлар келажаги учун кўзланган мақсадларга мос келадиган маънавий юксалиш имкониятларини яратиш ҳамда маънавий тараққиётнинг тарихий жараён тўфонларида бузилган тартиботини тузатиш чоратадбирлари ҳақида ғамхўрлик қилиш, биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу соҳада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган фармон ва қарорлар шунга асосланганлиги, маънавий янгиланиш жараёнининг салоҳияти, залворли ва беқиёс одимларимизда яққол сезилмоқда.

Маънавий янгиланиш хусусиятларига эътиборни қаратганда унинг салоҳияти ва тараққиёти муҳим ўринга эга эканлиги сезилади. Бу тушунчалар асли ўзи муштарак тушунчалар бўлиб, бир-бири билан узвий чатишиб кетгандир. Негаки, маънавий салоҳият ўз ичига халқнинг ғоявий-маданий меросини, ўзига хослигини, оддий сўз билан айтадиган бўлсак, энг сарасини, жамлаган барча билим ва қобилиятларни қамраб олади. Маънавий тараққиёт эса, жамиятнинг, инсоннинг маънавият йўли бўйлаб олға ҳаракатининг йўналишини, мавжуд маънавий салоҳият негизида маънавий ҳаётнинг бойишини таъминлайди. Асосан, худди мана шу икки йўналиш халқнинг, миллатнинг мавжуд маънавий соҳасини, унинг кўламини, барқарорлиги ва ижодкорлигини намоён этади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг маънавий ҳаёти ва маданияти тарихи кўп асрлар давомида шуни кўрсатдики, бу ерда жамият ҳаётининг энг юқори даражадаги ўрнини ижтимоий муассасалар ва шахслар эгаллаганлар. Уларнинг аксарияти мамлакатнинг равнақини, фан ва маданиятнинг юксалишини, халқнинг маънавиятини ошириш, уни янада бойитиш каби ижобий ишларни амалга оширганлар.

Истиқлол сабоқлари

Буни Соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Хоразм хони Феруз, ва кўплаб маърифатпарвар, мутафаккир ватандошларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Улар одамларга билим улашганлар, ёвузлик нимаю, эзгулик нималигини фарқлашга ўргатишга ҳаракат қилганлар. Китоблар битишган, билим масканларини очишган, шаҳарлар, санъат асарлари ва шунга хос архитектура обидаларини, боғ-роғларни барпо этганлар. Маънавият соҳасида одамларнинг онги ва хатти-ҳаракатида ҳамкорликка интилишни, бошқа халқлар маданияти, динларини ҳурмат қилишни, бағрикенглик ҳиссини мустаҳкамлашга интилганлар. Фуқароларда ватанпарварлик, бурчга садоқат ва инсонлар қалбига муҳаббат ҳиссини сингдиришни давлат миқёсида асосий мақсадлардан бири деб билганлар. Асрлар оша келаётган тарихий маданият ёдгорликлари ва қадриятлари бунинг ўлмас гувоҳидир. Булар эса, бугунги кунда маънавий янгиланиш ва миллий ғояни шакллантиришнинг муқаддас ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқдаки, булар кўркамлашаётган ва ёшараётган шаҳару қишлоқларимиз, халқимиз билимининг жаҳон оммасига манзурлиги, ишлаб чиқаришнинг ошиши, замонавий технология кенг жорий қилинаётганлиги ва Юртимиз раҳбарининг оқилона, одилона олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатида яққол кўриниб турибди.

Маънавият соҳасининг яна бир қирраси шундаки, бу тушунча замирида, унинг функционал ва ғоявий мазмуни пировардида инсоннинг ички дунёсини шакллантириш билан шуғулланадиган ижтимоий муассасалар ва ижодкор шахсларнинг бир мақсадга йўналтирилган фаолиятлари ётади. Бунинг давоми сифатида инсон ички дунёсини шакллантиришнинг босқичлари: виждон, ақл, гўзаллик, адолат, рўйростлик, эркинлик ва бошқа умумбашарий умуминсоний қадриятлар ўзлигини кўрсатади.

Гарчи, санаб ўтилган умуминсоний қадриятлар барча жаҳон халқларига тааллуқли бўлсада, юқорида таъкидлаганимиздек, у айни пайтда маълум бир миллатнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ҳам алоҳида намоён этиши мумкин. Ўша миллатнинг нозик ва нафис ёки аксинча, айрича маълум бир хусусиятлари уфуриб туриши лозим. Масалан, меҳмон кутиш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, овқатланиш, тўйларни ўтказиш маданияти каби қадриятлар барча миллатларда бор, лекин уларга бўлган муносабат, ижро этиш жараёни ўзига хос миллий хусусиятларини намоён этади ва шу ҳолатдан келиб чиқади. Инсонлар турлича ҳажм ва ўлчамда кийинганлари каби, умуминсоний қадриятлар ҳам айни миллатнинг жаҳон цивилизациясидаги эгаллаган ўрнига қараб турли сифатий, миқдорий ва технологик жиҳатдан замонавийлик кўринишларга эга бўлиши табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз томонидан «умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий

2

онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтириш», бунинг асносида миллий ғоя асосларини шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи қўйилади.

Янгиланиш хусусиятларига эга бўлган яна бир нафис қирра — бу маънавий маданият бўлиб, у салоҳиятининг, барча кўринишдаги бойликларнинг тарихий тажрибага асосланган, моддий ва маънавий мерос шаклида ифодаланган мажмуидир. Агар эътибор берилса бу тушунча мазмун жиҳатидан маънавий соҳа тушунчаси билан муштарак, аниқроғи, айнан бир хилдир. Чунки у маънавий қадриятларни яратиш ва кенг ёйишни, кишиларнинг маънавият оламида муттасил «айланиб турадиган», унинг натижасида вужудга келадиган маданий қадриятлар ҳисобига бойишини ҳамда ўз маданий эҳтиёжлари, манфаатлари ва дунёқарашларига мувофиқ у ёки бу қадриятларни эркин танлаш имкониятларини англатади.

Шундай қилиб, маънавий маданият тегишли ижтимоий муассасалар ва ва жамиятда олиб борилаётган маданий сиёсат ёрдамида маънавий соғлом шахснинг шаклланишига кўмаклашади, уни ижодий фаолият билан боғлайди.

Бу борада ҳам республикамизда анча халқпарвар ишлар амалга оширилаётганлиги кенг жамоатчиликка маълум. Турли хил фольклор ансамбллари, «Олтин мерос» таркибида маданият ҳамда мавжуд архитектура ёдгорликларини асраш, ҳимоялаш каби жамғармалари ва уюшмаларининг фаолият кўрсатаётганлиги фикримизнинг далилидир. Уларнинг барчаси давлат ҳимоясида эканлиги ва у қонун билан мустаҳкамланганлиги эса ҳукуматимизнинг бу жабҳага жуда катта эътибор бераётганлиги, давлат сиёсати даражасидаги вазифа сифатида қараётганлиги, истиқлол тараққиётининг энг катта ютуқларидан биридир.

Ва ниҳоят, маънавий янгиланиш тушунчаси замирида жамиятда содир бўлаётган ислоҳотлар мантиқига, мамлакатни замонавийлаштириш йўлига ҳамда жаҳонда юз бераётган жуда катта ўзгаришларга айнан мос келувчи маданий ўзгартишларни таъминлайдиган жараёнлар мазмуни ётади. Бу ўз олдига амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча ижобий масалаларни қўяди. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросдан ҳамда ҳозирги мавжуд маънавий салоҳиятдан ақл-заковат билан фойдаланиш асосида замонавий, цивилизациялашган жаҳон ҳамжамиятига кириш, бўлажак янги кўп қадриятли тизимнинг пойдеворини яратиш, уларнинг бири ва умуминсоний қадриятлар билан бирикиб кетишини таъминлаш, бунинг натижасида соғлом ақл таъсирчанлигини ошириш омилларини кенгайтириш каби масалалар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг кўлами «Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин» эканлиги тўғрисидаги Президентимиз кўрсатмалари нақадар тўғри эканлигини исботламоқда. Ишни тўғри ташкил қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан «Устоз», «Умид» ва бошқа бир қанча хориж фирмалари билан ҳамкорликда жаҳон илмини чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишларимиз ижобатининг юзага келиши келажагимизни таъмин этишнинг муҳим омилларидандир.

Жамият маънавий янгиланишининг кишиларда миллийчилик ва миллий ғояга хос иқтидорини жонлантирувчи ва натижалантирувчи манбаа – бу мавжуд тараққиёт тизимини ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни аста-секин тадрижий суръат сари куч олдириш билан юзага келтирилиши – тарихан, кўпгина, ушбу босқични босиб ўтган АҚШ, Япония, Англия, Франция каби ва бошқа бир қанча кўплаб ривожланган мамлакатлар мисолидан маълум. Юртимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир».

Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг негизида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий йўналишлар устунлиги директив ҳужжатларда ва амалиётда ўз ечимини топаётганлиги бизнинг мақсадларимиз тўғри амалга ошаётганлигидан далолат беради.

Хуллас, мамлакатимиз тараққиётининг ҳар бир соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг маълум бир томонини хоҳлаймизми-йўқми маънавият эгаллайди. Унинг эски қолипдан янги, ҳаётбахш, бизнинг шакллаётган миллий ғояларимиз асосини уйғунлаштирувчи даражага кўтаришга сари давлат ва ҳукуматимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кун талабидир. Бу борада ижтимоий тутган ўрнидан ва бошқа сифатларидан қатъий назар, бир тану бир жон бўлиб, шундайин маънавий янгиланишдай улуғ, умум ишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш диёримиздаги барча фуқароларнинг якдил вазифасидир.

Ўрол АБИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

3

Яхтачилар гаровга олинди

Сомалининг шимолий қирғоқларида қуролли гуруҳ аъзолари томонидан тўртта немис яхтачиси гаровга олинди. Ушбу ҳаракат товон ундириш мақсадида амалга оширилди. Хабарларга кўра, Германия фуқаролари жойлашган яхта Сомалининг Босасо порти яқинида катерлар томонидан тўхтатилди. Автоматлар билан қуролланган жангчилар саёҳатчиларни қирғоққа чиқишга мажбур қилишди ва асирга олишди. Шу йилнинг апрель ойида худди шундай усулда икки фин яхтачиси қўлга олинган эди. Ўтган йилнинг охирида шу худудда тўртта украиналик фуқаро гаровга олинган эди. Ундан аввалроқ яна ўша Босасога яқин жойда Кенияда рўйхатдан ўтган траулер 33 киши билан гаровга олинди. Унда италияликлар, кенияликлар, руминияликлар ва сомалиликлар ҳам бор эди.

Қудратли телескоп ишга тушди

Америка Қўшма Штатларининг Гавайя оролларида янги ўта қудратли телескоп фойдаланишга топширилди. «Жемини Норт» деб номланган лойиҳани амалга оширишга 1987 йилда киришилган эди. Ушбу лойиҳада АҚШ, Буюк Британия, Канада, Чили, Австралия, Аргентина ва Бразилия мутахассислари иштирок этишди. Американинг Фан миллий жамғармаси молиявий жиҳатдан ёрдам берди. «Жемини» телескопи Гавайя оролларининг 4214 метр баландликдаги Мауна Кеа вулқонида жойлашган. Телескоп қувурининг узунлиги 8 метрдан зиёд. Янги телескопнинг имкониятларини аниқ тасаввур қилиш учун «Жемини Норт»ни яратувчилар қуйидаги далилни келтиришмоқда: телескоп 2000 миль узоқликдаги автомобиль чироғининг ёруғини ҳам кўра олади.

Кутилмаган таклиф

Англия футболи раҳбарияти – Футбол уюшмаси «Манчестер Юнайтед» клубига кутилмаган таклиф билан чиқди. Гап шундаки, «Манчестер» Англия кубоги баҳсларида иштирок этишдан озод этилиб, бунинг ўрнига Бразилияга клуб командалари ўртасидаги жаҳон чемпионатига бориши мумкин. ФИФА томонидан уюштирилган турнир 2000 йилнинг январь ойига мўлжалланган. Англия футбол лигасида эса худди шу пайтда кубок учун баҳслар бошланади. Мухбирларнинг хабарларига кўра, Футбол уюшмаси шундан хавфсирамоқдаки, агар «Манчестер Юнайтед» Бразилия майдонларида туп сурмайдиган бўлса, у ҳолда 2006 йилдаги жаҳон чемпионатини ўз майдонида ўтказишни мўлжаллаётган Англиянинг имкониятларига зарар етиши мумкин.

Мюнхенда улкан концерт

Мюньхенда Косоводаги жанглардан зарар кўрган болаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида улкан концерт уюштирилди. Ушбу концертда жаҳон даражасидаги поп-юлдузлардан Майкл Жексон, Марайя Кери, Стиви Уандер, Ванесса Мае ва актёр Стивен Сигаллар иштирок этишди.

Янги муносабатларга умид уйғонди

Европа иттифоқи Лотин Америкаси ва Кариб хавзасининг 40 дан зиёд мамлакатлари раҳбарлари — Рио-де-Жанейрога тўпланишди. Бундай тоифадаги учрашув биринчи бор юз бериши. Учрашув раҳбари — Бразилия президенти Кардозо. Бу йиғилиш Европа иттифоқи билан Америка мамлакатлари ўртасидаги янги муносабатларга умид уйғотади. Икки кунлик учрашув давомида асосан савдо ҳақида гап боради. Бироқ, инсон ҳуқуқлари, террорчилик ва наркотик моддалар билан ноқонуний савдо қилишга ҳам муносабат билдирилади.

Африка учинчи саммити

Хусусийлаштириш муаммолари бўйича Африка учинчи саммити шу йил сентябрь ойида Гана пойтахтида бўлиб ўтади. Унда қитъа мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари, вазирлар, банкирлар, сармоядорлар ва иқтисодчи олимлар иштирок этади.

Хабарларга қараганда, саммит «Хусусийлаштириш амалда - янги минг йилликда Африкада давлат корхоналарини қайта тузиш» мавзуида бўлади.

Чет эл валютаси эркин муомалада

Ироқ ҳукумати мамлакатда чет эл валютасининг эркин муомалада бўлишига рухсат берди. Энди аҳоли нақд долларни сотиш, харид қилиш, шунингдек, хорижий банкларда ҳисоб рақамлари очиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатдаги етакчи иқтисодчиларнинг фикрича, бу ўзгариш президент Саддам Ҳусайн томонидан маъқулланган янги иқтисодий дастур асосида амалга оширилмоқда. Тадбир миллий валютанинг қадрсизланиш даражасини пасайтиришга хизмат қилиши керак.



«ФОРД» маркали машиналарни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз. Генри Форд билан ўғли ўзлари ишлаб чиқарган илк автомобиллардан «Т-Модель Форд»нинг 10 миллионинчи нусхаси ёнида турган лаҳза акс эттирилган.

Жиноий гуруҳ қўлга олинди

Вьетнам ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари гиёҳвандлик моддалари ташиш билан шуғулланувчи йирик тўдани қўлга олишга муваффақ бўлди. Ушбу жиноий гуруҳнинг бошлиғи мамлакат божхона хизматининг офицери Нгуен Суан Куанг бўлиб чиқди. Айни пайтда бу тўданинг яна тўрт аъзоси учун қидирув эълон қилинган.

Сўнгги йилларда гиёҳвандлик моддаларининг халқаро транзитида Вьетнамнинг ўрни анча кенгайди. Шунинг учун мамлакат ҳукумати наркобизнесга қарши курашни тобора кучайтирмоқда. Ўтган йили Вьетнамда наркотик моддалар тарқатганлиги учун 49 киши ўлим жазосига ҳукм этилган эди.

«Қалам маҳди» ўйланмаси

Азиз газетхон!
Қуйидаги мисраларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Эркин Воҳидов:
1. Улфатимдир шам 12, 3, 19, 9, 2, 19.
Кечалар танҳо қалам,
Менку шеър мажнунидирман,
Сарвқад Лайло қалам.

Хисрав Деҳлавий:
2. Элга фириб айлабон 8, 7, 16, 1 қалам,
Этма қаламни фириб асбобби ҳам.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:
3. Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Кўз оқида кошки савод этгайман.
Киприклардин анга қалам 7, 4, 10, 6 қилиб,
Кўз қорасидин анча мидод қилгаймен.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий:
4. Мен қачон мактабга келдим ошно қилди қалам,
Бора-бора ақлу ҳушимни расо қилди қалам.
Ўрганиб илму 1,5,1,2,1 ахлоқу ҳам фазлу рутаб,
Ори ғайрат шарм ила бир нарса қилди қалам.
5. Қаердадир гарчи изи, нури ҳақиқатди ўзи,
Чунки босган ерда зулмат 17,2,13 қилди қалам.
Яъни майдони ҳариф келди қалам хосияти,
Ҳосили ҳар мақсаду ҳар муддао қилди қалам.

Мақсуд Шайхзода:
6. Ҳар шоирнинг ўз қалами 18,1,6,2 бор,
Шеършунос бунга қилар эътибор.
Мана бунинг қаламини зўр деймиз
А, буни-чи, ҳали бироз ғўр деймиз,
Бу қаламда кўпдир, деймиз барака,
Бунда эса сўз етмайди юракка.

Собир Абдулла:
7. Қалам ожиз эмас, бил, эй, қаламкаш,
Анга узринг баён қил, эй қаламкаш.
Қўлингда бу қалам бор: қанча ёзгин,
Қоғоз майдонига сиққанча ёзгин,
Оқар шўх чашмаларни қил сиёҳдон,
Қаламга тил бериб, сўзга бериб 14,4,3

Сафо Очил:
8. Чарчоқ билмас мўъжиза — вазни денг,
Арзимас гарммларга 6,20,3,22.
Бироқ унинг елка кўлами,
Наздимда бу борликдан ҳам кенг.
Шарқ халқ ҳикматидан:
9. Қалам — шундай қудратли кучки, у 11,1,15 ҳақида ёзган бўлса, уни ҳеч ким ўчира олмайди.

Энди очқич жавоблари асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ечинг. Ундан академик шоир Ғафур Ғулом қаламига мансуб тўрт мисра шеър аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

«Шоҳмот» ўйланмасининг жавоблари:

1. Ботвинник. 2. Кубок. 3. Кампаманис. 4. Стейниц. 5. Цейнот. 6. Турнир. 7. Разряд. 8. Дурранг. 9. Гроссмейтер. 10. Руденко. 11. «Оскар». 12. Рокировка. 13. Аъзамов. 14. Воҳидов. 15. Вариант. 16. Тасвир. 17. Руҳ. 18. Хўжаев. 19. Ваганян. 20. Нимцович. 21. Чигорин. 22. Николич. 23. Чибурданидзе.

Шаклдаги рақамлар жуфтлигида: Алехин. Карпов. Каспаров. Менчик.



O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 1 iyul, payshanba • № 76 (24.471).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сиднейдан умид узилди

Ҳа, минг афсуски, шундай бўлди. Ўзбекистон терма командаси футболчилари 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинлари баҳсларига боролмайдиган бўлишди. Бинобарин, ушбу катта анжуманда иштирок этиш учун барча имкониятлар бор эди. Рақиблар ҳам маълум эди. Уларнинг яхши-ёмон томонларини мураббийлар ҳам, ўйинчилар ҳам чуқур ўрганишганди.

Лекин чиройли комбинацияларни амалга ошириб, фақат рақиб дарвозаси ёнида довдираб қолишлар панд берди Бу айниқса, асосий рақиб — қозоғистонликлар билан икки ўйинда яққол сезилди. Шу икки ўйинда рақиб дарвозаси ёнида яратилган хавфли вазиятлар бир неча ўйинларга етарди. Айниқса «Пахтакор» ўйингоҳидаги учрашувда Анвар Бердиев, Рашид Ғофуров, Андрей Акопянц ва бошқалар кўплаб қулай вазиятларни бой беришди. Рақиблар эса аниқ зарбалар билан ғалабага эришдилар. Ўшандаёқ Сиднейдан умид узгандик.

Бироқ Туркманистон терма жамоаси «Копетдоғ» стадионида қозоғистонликларни мағлубиятга учратиб, биз учун умид учқунларини порлатди. Жамоамиз туркманларни 3:0 ҳисобида енгди. қозоғистонликлар Қирғизистон жамоаси билан ўз майдонида дуранг ўйнаганидан сўнг имкониятларимиз янада кенгайди.

Энди гуруҳ ғолибини аниқлаш масаласи сўнгги турларда ҳал бўлиши керак эди. Сўнгги тур олдидан Қозоғистон терма жамоаси 14 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турганди. Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон жамоаларида 10 тадан очко бор эди.

Ўзбекистон терма жамоаси Тожикистон терма жамоаси майдонида тўп суриб ажойиб ғалабага эришди. Ҳисоб 2:0. Афсуски сўнгги умидимиз ҳам пучга чиқди. Қозоғистонликлар Қораболта шаҳрида бутун маҳоратларини ишга солишди. Кескин курашлар остида ўтган учрашувда улар рақиблари дарвозасига уч тўп киритишди. Қирғизлар эса икки тўп билан жавоб қайтаришди.

Шундай қилиб, Қозоғистон терма жамоаси 17 очко жамғариб , Сиднейга йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Кўнгил нурга чўмилади

Деҳқон ерга ниҳол қадар экан, келажакда унинг ҳосил беришига, мевасидан эл-улус манфаатдор бўлишига умид боғлайди. Умид деҳқонни меҳнат қилишга, ниҳолни парвариш қилишга ундайди. Агар умид бўлмаганида ниҳол бақувват, сермева бўлмас эди. Тошкент Давлат университети журналистика факультетига қадам ранжида қилган талаба - умид ниҳоли! Унинг зиммасида келажакда халқига, ватанига хизмат қилиш, элу юртга нур таратиш масъулияти бор. Таҳририят жамоасига қўшилиб, қалам йўнган мухбир ушбу масъулиятни тўлалигича англаб етади. Газетачилик — фидойиликдир!

Мен «Ўзбекистон овози»га ишга келганимда анчагина такомиллашган, тараққий топган, тугаллашган муҳитга тушганимни ҳис қилдим. Беихтиёр 1918 йиллар жадидлар ҳаракати, яъни чоризмдан юртни холос этиш, мустақил муҳторият тузиш ишқида ёнган зиёлиларнинг «Иштирокиюн» («Ўзбекистон овози»нинг илк номи) газетасини эсладим. Миллат руҳини кўтаргувчи, эзилган ғурурини тиклагувчи, қадимий маънавиятини ёруғликка олиб чиқувчи мақолалар, бадиий асарлар чоп этила бошлаганди ўшанда. «Иштирокиюн» 1906 йил 27 июнда биринчи сони чиққан «Тараққий» газетасининг ғоявий давомчиси эди. (Матбуотчилар куни байрами шу санадан олинган) «Тараққий» ҳозирги нуқтаи назар билан қаралганда ижтимоий-сиёсий газета эди. Демократия, эркинлик илк бор омма онгига сингдирилишида «Тараққий»нинг ўрни бор.

Мен бу ерда тўпланган бой тажрибанинг залворли юки остида аввалига ўзимни ноқулай сездим, ахир эплай олсанг бир нави, эплай олмасангчи? Мана шундай ўйлар қучоғида ишни бошладим. Устоз журналистлар, ҳамкасблар қўмагида тезда янгича ишлашни ўзлаштирдим. Катта оқим сари суза бошладим.

1989 йиллар халқимиз тарихида янги давр бошланаётган эди. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилганди ўшанда. Қайта қуриш эккан ниҳол миллатларни уйғотиб қўйганди. Ўзлик, эркинлик шабадалари империя устида сузиб юрарди. Собиқ шўро республикалари қанот чиқараётган полопонларга ўхшаб эркка талпинишарди. Тезроқ учгиси бор эди уларнинг. Газеталарда чоп этилаётган долзарб мақолалар, шеърлар ўзбекнинг ҳам кўнглида моғорлаган миллий туйғуларига тоза ҳаво бахш этди. Шабада эпкинини тўғри англаган Ислом Каримов миллат, халқ озодлигини қон тўкишларсиз, сиёсий йўл билан қўлга киритишга эришди. Газета кундалик ҳаёт деб бежиз айтилмайди. Жамиятда кечаётган воқеалар, силжишлар, гуруҳлар ҳаракати аввал газета орқали халққа етказилади. Журналистнинг масъулияти шундаки, у воқеаларнинг замирида ва келажагида нима борлигини кўра олиши керак. Аҳолига тўғри талқин қилиб, осойишталикни, барқарорликни сақлаб қолишда яқиндан кўмак бериши лозим.

Тоза ҳаво кўнгилни поклади. Кўнгил атрофга, оламга теранроқ нигоҳ қадади, шўролар даврида ошу нонига етарли иш ҳақи билан таъминланган, эвазига миллат тарихидан, маданиятидан, асори атиқаларидан ажрай бошлаганини ҳис қила бошлади. Эсланг: ўзбек Оллоҳнинг уйи ҳисоблаган мачитлар қўпол бўлса-да, омборхоналарга айланганди, қаровсизликдан тўкилиб борарди. Ўшанда ўз отасининг таъзиясига қатнашолмаган раҳбарлар виждонан қийналмаганмиди, Қуръони карим тиловотининг таъқиқланиши кўнгилларни чўктирмаганмиди, моғорлатмаганмиди, улуғ бобокалонларимизнинг миллат тарихидан сазойи қилинишини оқлаб бўлармиди, албатта йўқ! Талабалик йиллар, классик адабиётдан Бобораҳим Машрабни ўтаётгандик. Домла: Машраб оташпараст шоир, у коммунистик ғояни ўша даврдаёқ англаб етган, ислом динига қарши бўлган, деди. Ғазалларидан мисол келтирди. Мен тасаввуф таълимотида бу бошқача талқин қилинишини, Машраб коммунист эмаслигини айтдим. Домла мени илмсизликда айблади. Шу-шу классик адабиётдан «уч»дан юқори баҳо ололмадим.

Шўролар империясида биринчи бўлиб мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Биринчи бўлиш учун ҳам юрак керак, юрак бўлганда ҳам тоғлар бағрини ёриб чиққувчи вулқон каби қайноқ, адирлар бағрига жон ато этгувчи дарёлар каби тошқин бўлиши лозим. Бизга нечоғли осон туюлса-да, гўё ҳеч бир зиёнзаҳматларсиз истиқлол қўлга киритилганга ўхшаса-да, аслида қотиб қолган онг, ўзлигини йўқотган руҳ, кишанига суянган оммани уйғотишдек, кўнгилга озодлик эпкинини сингдиришдек мураккаб жараён билан курашишга тўғри келди.

Бу курашда — мустақиллик ғояларини, истиқлол, озодлик шабадаларини халқ руҳига сингдиришда биз журналистларнинг ҳам озми-кўпми хизмати борлигидан фахрланса-к арзийди.

Ифтихор

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Vatanni sevmak iymondandur!

Кулгу — узоқ умр гаровми

— Жаноб инспектор, бир марта қизил чироққа ўтиб кетганимга шунчалик қиласизми? Ахир, неча марталаб кўк чироққа тўхтаб турганман.

***

Кемада кетаётган аёл капитандан сўрайди:

— Капитан, денгиз чуқурлиги уч километр дейишяпти. Тўғрими?

— Йўғ-е, атига 600 метр, холос.

— Ҳайрият-е, юрагим жойига тушди. Мен жуда қўрқувдим.

***

Ўғри сейфни очишга беҳуда уринади. Ниҳоят, асбобларини улоқтириб пешонасидаги терини артади ва жаҳли чиқиб дейди:

— Бир-бирини мунча қийнамаса-я бу одамлар...

***

— Уялмайсизми, судланувчи? Бу жабрланувчини ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаганингиз етмагандек, яна роса калтаклабсиз.

— Ажабланманг, жаноб судья. Бу одам ҳақида нимаки билган бўлсам, ҳаммасини юзига айтдим. Аммо унинг кар ва гунг эканлигини билгач, калтаклашдан бошқа иложим қолмади.

Гулчеҳра опанинг гул қизлари

... Буларни кўриб кўзинг қувонади, юрагинг орзиқиб кетади. Кўнгилнинг азалий, кўҳна торларини илкис кимдир чертиб ўтгандай бўлади. Тилло суви янглиғ матога ишланган гуллар, қуббалар — келин-куёвлар тўнлари, дўппи, салла... «Эҳ инсон зотининг қўли гул, ҳар нарсага қодир экан» дея ҳайратланасан киши.

Мазкур ҳайратларимизнинг сабабчиси Қарши шаҳридаги «Ботир» зардўзлик кичик корхонаси раҳбари, «Қарлиқбоғот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Пиримқуловадир.

Ҳар бир эзгу ишда мақсад бўлади. Гулчеҳра опа билан «Ботир» зардўзлик кичик корхонаси хусусида суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— Яхшигина ҳунарим бор. Маҳаллада эса ишсиз хотин-қизлар анчагина. Шуларга билганларимни ўргатиш учун кичик корхона ташкил этдим. Бунда биринчидан, янги иш ўринлари очилди. Иккинчидан, зардўзлар кўпайди, кўпчилик ҳунар ўрганди.

Кичик корхона 1992 йил тузилганди. Орадан кўп эмас, оз эмас 7 йил вақт ўтди. Бу орада «Ботир» зардўзлик кичик корхонасининг шуҳрати шаҳар оша, вилоят оша мамлакатимиз пойтахтигача етди. Бир неча бор Республика хотин-қизлар қўмитаси фахрий ёрлиқлари, дипломлари билан, хусусан 1997 йил «Экосан» халқаро жамғармаси дипломи билан мукофотланди.

— Гулчеҳра опадан бир умр қарздормиз, — дейди шогирдларидан бири — Норой Раҳматова. — Ўзим яхшигина ҳунар соҳибаси бўлдим. Энди кўнглим тўқ. Зотан, «Ҳунарли хор бўлмас», дейдилар. Лекин ҳали опадан ўрганадиганларим кўп. Яна у кишидаги одамгарчилик, меҳр-оқибат ҳавасимни келтиради.

Дарҳақиқат, маҳалладаги кам таъминланган оилалар опанинг алоҳида эътиборида. У маҳаллада ўтадиган ҳар бир тўйга ва бошқа маросимга бош-қош. Нафақат маҳалла, шаҳардаги 6-болалар боғчаси, вилоят болалар жамғармаси ҳам опанинг мурувватидан баҳраманд бўлишган. Баъзида у шаҳар миқёсида ўтказиладиган тадбирларга ҳомийлик ҳам қилади. Кичик корхонанинг «Юбилей» бозоридаги дўконида эса зардўзлик маҳсулотлари аҳолини кам таъминланган қатламига арзон нархда сотилади.

Аслида опанинг нияти, корхонада ҳеч бўлмаганда 200 иш ўрнини яратиш. Ҳозирча эса 40 нафар шогирди, унинг қаторида... Санобар, Нодира, Дилдора, Нилуфар, Нафиса, Азиза, Зилола, Кумуш, Зеболар тиккан либослари сингари ўзлари ҳам гўзалдирлар.

Энди бир оғиз опанинг маҳалладаги фаолияти хусусида. Маҳаллада 40 та кўча бор. Унда 1300 оила истиқомат қилади. Ҳозирги кунда маҳаллага раҳбарлик қилиш қанчалик оғир эканлиги хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Бироқ, Гулчеҳра опа баҳона эмас, имконият излайдиганлар сирасига киради. У маҳалладаги ҳар бир хонадондан айниқса, кексалар ҳолидан тезтез хабар олиб туради.

— Шу кўчада 1949 йилдан буён яшайман, — дейди 84 ёшли уруш иштирокчиси Рўзиой Мирзақулова. — Лекин шу қизим маҳаллага бош бўлгандан буён мурувват кўраяпман. Умридан барака топсин.

Гулчеҳра опанинг раҳбарлиги даврида маҳалла вилоят бўйича ўтказилган «Энг шинам хонадон», «Обод кўча», «Энг гўзал келинчак», «Пазандалик — қиз ҳусни» сингари ўнлаб танловларда ғолибликни қўлга киритди. Кичик корхона ҳисобидан маҳалла кўчаларида 1997 йилнинг ўзида 124000 сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилган.

Гулчеҳра опа Пиримқулова жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. У вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг, вилоят ва шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг аъзосидир.

Унинг бу каби фазилатларини санашни яна давом эттириш мумкин. Муҳими, Гулчеҳра опанинг қилаётган ишида ўзгача завқ, файз-барака бор. Шундайлар борлиги учун кўнглинг ғурурга, сурурга тўлади.

— Бу дунёга келган ҳар бир кишининг ортида эзгу ишлар қолиши керак, —дейди опа. — Агар юртимизда миллий зардўзлик ҳунарини тиклашда озгина ҳиссам бўлса, ўзимни бахтиёр ҳис этардим.

Гулчеҳра опа билан суҳбатимиз бир олам бўлди. Яна шунча таассуротлар олдик.

Кўп ўтмай кўчада миллий либосда кетаётган келинчакка кўзимиз тушди. Ўзи, либослари гўзал эди унинг... Ўша келинчакнинг либосларида ҳам Гулчеҳра опа ва унинг бармоқлари излари бордек туюлаверди бизга.

Илҳом ҚАРОМОВ,
Мафтуна МИНҒБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Шоҳрух ҳаётидан бир лаҳза

Ўрта Осиёнинг маданий тараққиётида XV аср энг ёркин даврлардан ҳисобланади. Улуғ мутафаккир олим Мирзо Улуғбек ва унинг маърифатпарвар сафдошлари номини, маънавий ва моддий бойликларни яратган турон халқини улуғлаган бу юксалиш даври ўзига хос тарихий шароитда юзага келган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитнинг самарасидир.

XV асрда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган иқтисодий-маданий, ижтимоий ва сиёсий аҳволдан хабар берувчи адабиётлар талайгина. Ўз замонасининг намояндалари, тарихий воқеаларнинг жонли шоҳидлари ёзиб қолдирган асарларни ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш, бизнинг ўша давр ҳақидаги билимларимизни янада бойитиши муқаррар.

Мана шундай тарихий асарлардан бири — XV аср тарихнависи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайн ва Мажмаи баҳрайн» (икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи) номли китобидир. Тўрт кичик жилддан иборат бу асар ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг нодирлиги ва ишончлилиги билан XV-XVI асрлардаёқ бошқа тарихий китоблар учун бош манба бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик эса ундаги айрим тарихий масалаларга оид маълумотлар Европа тарихий адабиётида ҳам ўрин олган, кичикроқ парчалари бошқа тилларга таржима қилинган.

Иккинчи жилднинг биринчи қисми 1405-1429 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган бўлиб, унинг ўзбекча нашри Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида тайёрланган. Китобнинг асосий қисмини Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи кўрган воқеалар ҳақидаги ва бошқа шоҳидлардан эшитиб ёзган тарихий маълумотлар ташкил этади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асаридаги ажойиб сўз ўйинлари, адабий муболағалар, ўхшатишларни ўқиган кишига бу улкан тарифланишнинг нақадар нозиктаъб, сермушоҳада бўлганлиги сезилиб туради. Абдураззоқ Самарқандий ўз замонасининг таниқли арбобларидан ва тарихнавис бўлганлиги Алишер Навоий, Мирхонд ва Хондамир асарларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Воқеаларни, айниқса жангу-жадалларни образли қилиб тасвирлашда Абдураззоқ Самарқандий шахматдан ажиб бадиий восита сифатида фойдаланган.

Шахмат ва адабиёт

1427 йил воқеаларидан:

«... Бу йил воқеаларининг энг йирикларидан бири ҳазрат Ҳақони Саид (Шоҳрух)нинг пичоқ еганлиги қиссасидир.

... Робил ас-сонийнинг йигирма учинчисида, жума куни одат бўйича у ўз вужуди билан масжидни шарафли қилди ва намозни тамомлаб ташқарига чиқиш учун жойнамоздан турди. У ҳали масжид ичида юриб кетаётганида ноғоҳ Мавлоно Фазиуллоҳ Астрободийнинг муридларидан Аҳмад Лур номли номадпўш бир шикоятчи сифатида қўлига бир қоғоз ушлаб унга яқин келди. Он ҳазрат «унинг сўзини маълум қилиб, арзга етказинглар» деган маънода мулозимлардан бирига ишора қилди. Бироқ, беандиша Аҳмад Лур олдинга югурди ва он ҳазратнинг қорнига пичоқ урди. Аммо... пичоқ кор қилмади: заҳар кучли эмас эди.

Бу ярамас Лурни ҳам ўша шоҳи масжидида ичкилар қаблга етказдилар... табиб ва жарроҳлар Шоҳруҳга тадбир қўллашу малҳам қўйиш билан машғул бўлдилар.

Бу воқеа тарихига атаб айтилган улта:

Тарихга саккиз юз ўттизинчи йил эди,
Жума куни намоздан кейин.
Хуросонда-ю, лекин Хирот шаҳрида,
Жуда ажиб бир қисса юз берди:
Бир қиғир қадам (шатранж) тахтасида худди фарзиндек,
Шоҳ (кишт) бериб, руҳни урмоқчи бўлди, бироқ ўзи мот бўлди.

Машҳур ўрта аср тарихнависи Ибн Арабшоҳни Амир Темурнинг биографи дейишади. Ҳикояларининг бирида шундай воқеа тасвирланган. Темур бир фозил билан шатранж ўйнаётиб, оти билан бирданига рақиб шоҳига ҳамда руҳига ҳужум қилиб, яъни «Шоҳруҳ» эълон қилиб турган пайтда қошида икки мулозим пайдо бўлибди. Уларнинг бири Соҳибқирон ўғил кўргани, иккинчиси дарё соҳилидаги шаҳар қуриб битказилганини маълум қилибди. Темур фарзандининг исмини ва шаҳарнинг номини Шоҳруҳ қўйибди.

Бундай ривоятлар олдинроқ ҳам келтирилган. Абдураззоқ Самарқандий кўп умрини Шоҳруҳ саройида ўтказганлиги ва «Матлаи савдайн ва мажмаи баҳрайн» номли китобини унга бағишлаганлиги маълум. Воқеа ва ҳодисаларни шатранж «тили» билан ифодалашда у маҳорат кўрсатган: ўзи ҳам дуруст шатранж устаси бўлганга ўхшайди. Темур фарзандининг Шоҳруҳ исми билан аталиши, тарихий адабиётларда воқеаларни шахмат тахтаси-ю, доналари билан қиёслаш ҳолларини кўп учраши XV асрда шатранж Ўрта Осиё, Хуросон ўлкаларида кенг ёйилганлигидан далолат беради.

Мамажон МУҲИТДИНОВ,
тарих фанлари номзоди

Ўзингизни синаб кўринг

Бу масалада оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

RUBICON U-TEL: Танлаган — ютади!

Аброр Эргашев, тадбиркор.

Илгари мен бошқа бир уяли алоқа хизмати компаниясининг абоненти бўлган эдим. Телефондан кўп фойдаланардим, шунинг учун тўлайдиган пулларим талайгина эди. Энди бошқа компанияга ўтишга қарор қилдим. RUBICON U-TELда менга, биринчи навбатда яхлитлаш қоидалари ёқди, чунки аввалги компанияда ҳисоб бошқача қилинар эди.

Бу нима дегани, дейсизми? Одатда суҳбатларим 2-3 дақиқадан ошмас эди. Масалан 2,10 ёки 2,15 дақиқа суҳбатлашардим. Бошқа компанияларда бундай суҳбат 3,00 дақиқа деб ҳисобланарди. RUBICON U-TELда эса бундай суҳбат 2,30 дақиқали деб ҳисобланади ва тўлаш ҳаки ҳам албатта, шунга яраша. Фарқини сездингизми? Мен жуда яхши сездим.

уяли алоқа U-TEL RUBICON

Ҳаммага ёқади, ҳамма учун қулай!

Келинглар: Гагарин кўч., 40.
Телефон қилинглар: 126-77-00

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси бош муҳаррир ўринбосари А.Султоновга волидаи муҳтарамаси

Узумхон ая СУЛТОНҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва марҳуманинг оила аъзоларига Оллоҳдан сабр-бардош тилайди.

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматида, 23.819 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0440

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83